2016 год - Год здоровой матери и ребенка

# ГАРМОНИЧНО РАЗВИТОЕ ПОКОЛЕНИЕ - УСЛОВИЕ СТАБИЛЬНОГО РАЗВИТИЯ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI QISHLOQ VA SUV XO'JALIGI VAZIRLIGI
O'QUV METODIKA BOSHQARMA



13

## СОДЕРЖАНИЕ

**Вместо введения.** Сформированность творческого мышления и творческих способностей – главное достижение качества учебно-воспитательного процесса……………………………………………………………4

### I. СОВРЕМЕННЫЕ ПОДХОДЫ К ФОРМИРОВАНИЮ И РАЗВИТИЮ ИНТЕЛЛЕКТУАЛЬНО-ТВОРЧЕСКОГО ПОТЕНЦИАЛА ОБУЧАЕМЫХ

**Джураев Р.Х., Карахонова Л.М.** Развитие способностей школьников к предметам естественного цикла........................................................................8

**Джураев Р.Х.** Создание рабочих программ по учебным предметам….........15

**Нормуратова В.И.** О проблемах развития социокультурной компетенции (Посвящается памяти профессора Т.К. Саттарова)……………………………..20

**Алиев М.Ч.** Полигональное обучение………………………………………25

**Каландарова Г.И., Хидоятова М.А.** Процесс формирования педагогического убеждения у преподавателей вузов……………………………..28

**Каландарова Г.И., Нормуминов Б.** Реализация метода проекта на примере проекта «Симметрия вокруг нас»………………………………………31

**Эгамназарова Ф.** Таълим-тарбияга технологик ёндашув…………………34

### II. ГАРМОНИЗАЦИЯ НАЦИОНАЛЬНЫХ И ОБЩЕЧЕЛОВЕЧЕСКИХ ЦЕННОСТЕЙ – ОСНОВА СТАБИЛЬНОГО РАЗВИТИЯ ОБЩЕСТВА

**Akhmedova L.T.** On the issue of the re-training and in-service education of leadership and teachers of higher education institutions in the Republic of Uzbekistan…………………………………………………………………...38

**Алиев М.Ч.** Таълим, тафаккур, тараққиёт..................................................41

**Сафарбаева Н.М.** Ёш авлодда Ватанпарварлик ғоясини шакллантириш............................................................................................45

**Safarbayeva N.M., Komilova X.M.** Munosabat – raqobatbardosh xodimlar tayyorlashning bosh mezoni.........................................................................48

### III. ЗДОРОВЬЕ – ГЛАВНОЕ БОГАТСТВО

**Алаева М.Ж., Шахмуров Н.А.** Инновационные образовательные технологии, применяемые в учебном процессе в Ташкентской медицинской академии………………………………………………………………………51

**Алаева М.Ж., Шахмуров Н.А.** Роль самостоятельной работы студентов в формировании медицинских навыков…………………………...54

**Соседова Н.В.** Организация опытно-экспериментальной и исследовательской работы в логопедии……………………………………58



**Пулатова Н.А., Маннапова Н.Ш., Эрматова Д.А.** Здоровье школьников: новые тенденции……………………………………………………………………62

**Газибаева Д., Турдибоева О., Чоршанбиев А.** Меҳр-муҳаббат инсоннинг зийнати.........................................................................................................66

### IV. ЭФФЕКТИВНЫЕ НАПРАВЛЕНИЯ В ИЗУЧЕНИИ УЗБЕКСКОГО И ИНОСТРАННЫХ ЯЗЫКОВ В УЧЕБНЫХ ЗАВЕДЕНИЯХ УЗБЕКИСТАНА

**Нормуратова В.И.** Хорижий тил лексикасини ўргатишда табақали ёндашув…………………………………………………………………………69

**Djalilov M.M.** Xorijiy til metodikasida gapirishni o`rgatish tizimi…………..73

**Djalilov M.M.** The methods of developing creative writing skills……………76

**Кинжемуратова З.М.** Мактаб ўқувчиларини инглиз тили талаффузига ўргатишнинг ўрни...........................................................................................80

**Kinjemuratova Z.M.** Using interactive games in teaching-learning process…………………………………………………………………………83

**Kinjemuratova A.M., Kinjemuratova Z.M.** The role of oral presentations in organizing active learning…………………………………………………89

**Karimova J.Sh.** The importance of gestures in the language classroom……..91

**Karimova J.Sh.** Activities for Teaching Vocabulary…………………………94

**Отаярова Д.Ш.** A.S.Pushkin's novel "Eugene Onegin" — "the encyclopedia of the russian life"…………………………………………………………96

**Нусратова М.М.** The father of russian literature……………………………99

**Бурханова М.Г.** Alexander Pushkin – creator of modern russian language…………………………………………………………………102

**Аллаярова Г.Н.** Pushkin`s influence on the russian language………………105

**Эгамбердиева Н.** Прием замены как окказиональное преобразование фразеологических единиц……………………………………………………108

**Эгамбердиева Н.** Инверсия как способ окказионального преобразования фразеологических единиц……………………………………………………110

**Очилова Н.У.** ИКТ в преподавании литературы как средство популяризации классических произведений…………………………………112

**Ахмедова М.Г.** Особенности эстетики постмодернизма………………..115

**Назарматова Ё.** Обогащение учебно-воспитательной работы на занятиях русской и английской литературы средствами народных традиций…………………………………………………………………………117

**Сайдуллаева С.С.** Современные методы и приёмы на уроках английского языка………………………………………………………………120

**Ташпулатова М.А.** Основные цели при обучении чтению газетных текстов студентов-нефилологов…………………………………………………124

**Шакирова С.Т.** Использование аудирования в обучении иностранным языкам…………………………………………………………………………127

ёрдамида бунёд этилади. Шундай экан, технологик тафаккурни ёшларимизда шакллантириш ва ривожлантириш таълим соҳасининг устивор вазифаларидан деб саналади.

Юртимизда ушбу масалага алоҳида эътибор берилиб, ўқув юртлари замонавий маҳсус жиҳоз ва дастгоҳлар, дарсларни самарали ташкил этиш учун юқори малакали мутахассислар томонидан ишлаб чиқилган дидактик материаллар билан таъминлаб келинмоқда.

Ўрта таълим тизимида меҳнат таълими дарсларида ўқувчиларга берилаётган илк технологик сабоқлар кейинчалик коллеж ва университетларда ишлаб чиқаришга керак бўладиган малака ва кўникмаларнинг ривожланишига асос бўлади. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг асосий мазмум моҳияти ҳам айни мана шунда. Шунинг учун болаларда технологик тафаккурнинг шакллантирилиши ва ривожлантирилишига мактаб босқичиданоқ жуда катта эътибор берилиши керак. Ушбу талаб бу ёшдаги болаларнинг психологик жиҳатларига ҳам асосланган. Кичик ёшдаги болаларда фазовий тафаккур ниҳоятда ривожланган бўлади. Бу нарса уларнинг тасаввур, фараз этиш қобилиятларида намоён бўлади. Уларда ўзининг ҳаёлларига чуқур берилиб кетиш, ҳодисаларни образларда тасаввур этиш мойиллиги яққол кузатилади. Технологик тафаккур муайян билимларга асосланиши табиий. Лекин технологик тафаккур ҳам ҳар қандай ижодий жараён каби тасаввур этиш қобилияти негизида амалга оширилади.

Жаҳон таълим назарияси ва амалиётида кўплаб ёндашувлар мавжуд. Билимни амалиёт билан боғлаб ўқитиш, фанларнинг интеграцияси асосида ўқитиш, лойиҳалар методи шулар жумласидандир.

Фикримизча Республикамизда ҳам бундай ишларни амалга оширишимиз мумкин. Дастлаб мактаблар қошида илмий-тадқикот майдончаларини ташкил этиб, бундай таълимни кенг тарғиб қилиш, педагог олим ва амалиётчиларимизнинг онгига сингдириб бориш мақсадга мувофиқдир. Бу



жараён албатта ўз самарасини бермай қолмайди, чунки таълим тафаккурни ривожлантиради, тафаккур эса тараққиёт пойдеворидир.

## ЁШ АВЛОДДА ВАТАНПАРВАРЛИК ҒОЯСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

**Н.М.Сафарбаева, катта ўқитувчи, ТИМИ**

Ўзбек халқи кадим-қадимдан Ватан равнақини юксак қадрлаши ҳамда уни ўз орзу-умидлари, олий мақсадлари руёбга чиқишининг кафолати билан бирга деб билганлар. Шу сабабдан ҳам, юртимиз улуғлари дуога кўл очганларида дастлаб Яратгандан юрт тинчлигини, эл фаровонлигини тилайдилар. Халқимиз орасида ҳам юрт тинч бўлса, ҳар қандай мақсадга эришиш мумкин, деган тушунча кенг тарқалган.

Чунки юрт тинч бўлиб, эл фаровонликда яшаса халқимиз моддий ва маънавий ютуқларга эришади. Юртнинг тинчлигини сақлаш, унинг фаровонлигига ўз ҳиссасини кўшишни истаган инсон Ватанини том маънода севиши лозим.

Бунинг учун ёш авлодда Ватанга муҳаббат ҳиссини тарбиялаш керак бўлади.

Ватанга муҳаббат ва садоқат шахснинг ватанпарварлиги, етуклиги, миллий ғурури каби фазилатларда акс этиб, унинг ҳаётий мақсадларида, Ватан ободлигини асраш ва ҳимоя қилишга қаратилган амалий ишларда намоён бўлади. Бунинг учун эса Ватан табиати ва қудратини яхши билмоқ зарур.

Ватанпарварлик ҳақида Эркин Воҳидов шундай фикр билдиради:

"Улуғ бобомиз Амир Темур муаззам давлатни уч тамойил асосига қурган: иймон, адолат, сиёсат, яъни, дину иймон, одиллик ва кучли идора. Иймон йўқ ерда ҳалоллик йўқ. Демак юртда барака йўқ. Адолат бўлмаса тотувлик, ҳамжиҳатлик ўрнини зулм ва зўрлик олади. Элда тинчлик йўқолади. Сиёсат, заифлашиб, қонун кучи бўшашса, ўғри, муттаҳам, каллакесарнинг сони ортади.

Мен, аввало, бизнинг ёш давлатимизда ҳам ана шу уч тамойилнинг боқий бўлишини тилайман. Инсоннинг маънавий камоли давлатнинг асосий мақсади бўлиши керак. Жисман, ақлан ва руҳан поклик, саломатлик жамиятимизда юқори даражада бўлишини истардим. Ватанни Ватан қиладиган тупроқ эмас, олтин эмас, қуёш эмас – инсондир. Уларнинг ақли ва камолидир. Ватан ҳам, ақл ҳам, руҳ ҳам тарбияга муҳтож. Бу иш ҳамманинг бирламчи ташвиши бўлиши лозим деб ўйлайман”.

Ватанпарвар инсон чидамли, ҳушёр бўлмоғи лозим. Чинакам фарзанд ватан, она-юрт, халқни ор-номусидан юқори қўйсин, керак бўлса, азиз жонини қурбон қилишга ҳам тайёр турсин.

Боболаримиз “Киши юртида султон бўлгунча, ўз юртингда чўпон бўл”, деганлар. Ватанни, у қандай бўлмасин севиш керак.

Абдулла Орипов бундан анча йиллар муқаддам “Мен нечун севаман Ўзбекистонни?” номли шеър ёзган. “Ватан ҳақидаги ошкора иқрорим ўша йилларда бошланган бўлса ажаб эмас. Албатта, бутун дунё менинг Ватаним, дея бақириб-чақириб юрган пайтларимиз бўлди. Энди эса қадрини халқ ўз жойига қўйган. Бундай элнинг келажаги порлок бўлишига ҳеч шубҳа йўқ”, - дейди шоир.

Ота-боболарнинг руҳи яшайдиган жой Ватандир.

Ёш авлодда Ватан равнақи ғоясини шакллантириш бевосита таълим-тарбия жараёнини такомиллаштириш билан ҳам боғлиқдир. Бугунги кунда узлуксиз таълим турлари учун яратилган дастур ва дарсликлар, ўқув қўлланмалар бевосита истиклол ғояси билан боғлиқдир.

Президентимиз таъкидлаганидек: “Таълим Ўзбекистон халқи маънавиятига яратувчанлик фаоллигини бахш этади. Ўсиб келаётган авлоднинг барча энг яхши имкониятлари унда намоён бўлади, касб-кори, маҳорати узлуксиз такомиллашади, катта авлодларнинг доно тажрибаси англаб олинади ва ёш авлодга ўтади”.



Ҳар бир давлат, ҳар бир халқнинг юқори савиядаги маданияти ва маънавияти ўз ватанига бўлган садоқатида намоён бўлади.

Ўзбек халқининг буюк келажаги, даставвал, унинг ўзига, яъни маънавий қудрати ва миллий онгининг юксак ижодий кучига, яратувчанлик қобилиятига ҳар жиҳатдан боғлиқдир. Шунинг учун ҳам бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири ёшларда Ватан равнақи ғоясини шакллантириш асосида маънавий, интеллектуал имкониятларини, дунёқарашини шакллантириш, унинг йўналишларини ишлаб чиқиш, талаба-ёшларга баркамол шахсни шакллантиришга қаратилган таълим-тарбия беришнинг асосий шакл ва услубларини яратишдир. Президентимиз айтганидек: “Ёшлар, уларнинг истидорлилиги ва билим олишга чанқоқлигидан таълим ва маданиятни тушуниб етиш бошланади” .

Олий ўқув юрти профессор-ўқитувчилари ва ходимларининг асосий вазифаси ўз халқимиз тарихи, маданияти, маънавий бойликларини яхши билган юксак маданият, ақл-заковатга эга бўлган, ҳар томонлама етук, билимдон, малакали кадрлар тайёрлашга муносиб ҳисса қўшишдир. Ўзбек халқининг энг ёшни миллий анъаналари руҳида ўсиб келаётган авлодни маънавий-ахлоқий тарбиялаш масалалари олий таълим жараёнида етакчи бўлмоғи керакдир.

Ватанпарварлик ғояси соғлом мафкурани шакллантиришга олиб келади. Жамиятда ҳар бир олий ўқув юртининг ҳам руҳан, ҳам маънан мустаҳкамлиги, иқтисодий фаровонлиги, ўзаро аҳиллиги миллий мафкурада кўзланган мақсадларни амалга оширишда асосий таянч бўлиб ҳисобланади. Шунинг учун ёш авлод тарбиясида маълум бир тизимга солинган, уларнинг ёши ва индивидуал хусусиятларига мос тарзда тарбиявий ишлар кўламини олиб боришлари мақсадга мoликдир.

**Адабиётлар**


1. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. - Т.: Ўзбекистон, 1998.
2. Каримов И.А. Гармонично развитое поколение – основа прггресса Узбекистана: сб.документов – Ташкент: Шарк, 1997. - 312 с.